



Туғма ва орттирилган цитомегаловирус инфекцияси жамоат саломатлиги муаммоси.

Мухамеджанова Нодира¹, Бейжанов Мададбек², Каримова Нодира¹, Тохирбеков Амирбек¹

¹ Тошкент Кимё халқаро университети

² Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий маркази Хоразм вилояти филиали

Цитомегаловирус (CMV) инфекцияси инсонлар орасида энг кенг тарқалган вирусли инфекциялардан бири ҳисобланади ва жамоат саломатлиги учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Сўнгги ўн йилликларда олиб борилган тадқиқотлар туғма ва орттирилган CMV инфекциясининг эпидемиологияси, клиник кечиши, диагностикаси ҳамда узоқ муддатли оқибатлари ҳақидаги билимларни сезиларли даражада бойитди.

Инфекция клиник жиҳатдан жуда турли кўринишларда намоён бўлади: иммун тизими сақланган шахсларда аксарият ҳолларда симптомсиз ёки енгил кечса, иммунтанқислик ҳолатларида оғир, генерализацияланган шаклларга олиб келиши мумкин. Туғма CMV инфекцияси янги туғилган чақалоқлар саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик ҳолатларда (тахминан 99%) инфекция ҳаётнинг дастлабки ҳафталарида клиник белгиларсиз кечади. Бироқ, симптомсиз кечган ҳолатларнинг муайян қисмида кейинчалик неврологик асоратлар — психомотор ривожланиш кечикиши, когнитив функциялар пасайиши, эшитиш ва кўриш қобилияти бузилишлари ривожланиши мумкин.

Туғма инфекцияни тасдиқлашда ҳаётнинг илк кунларида сийдик ёки сўлак намунасида ПЦР усули орқали вирус ДНКсини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Серологик текширувлар клиник вазиятни баҳолашда ёрдамчи аҳамиятга эга, аммо туғмаликни аниқлашда вақт омили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Беморларни узоқ муддатли нейрopedиатрик кузатувга олиш ва ривожланишни қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш прогнозни яхшилашда муҳимдир. Орттирилган CMV инфекцияси иммун тизими ҳолатига боғлиқ равишда турлича кечади. Имунокомпетент шахсларда у кўпинча енгил ёки симптомсиз намоён бўлади. Иммунтанқислик ҳолатларида эса кўз, ўпка, жигар, ошқозон-ичак тизими ва марказий асаб тизими зарарланиши мумкин. Бундай беморларда вирус юкини ПЦР орқали динамик мониторинг қилиш ва антивирус терапияни ўз вақтида бошлаш асоратларнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда CMV инфекциясига қарши лицензияланган вакцина мавжуд эмас, шунинг учун профилактика асосан хавф гуруҳидаги беморларда вирус репликациясини назорат қилиш ва профилактик терапияга таянади. CMV инфекциясининг узоқ муддатли оқибатлари жамоат саломатлиги нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Туғма инфекция генетик бўлмаган эшитиш қобилияти йўқолишининг етакчи сабабларидан бири ҳисобланади.



Шунингдек, айрим тадқиқотларда CMV инфекцияси эрта атеросклероз, аутоиммун жараёнлар ва баъзи онкологик касалликлар ривожланиши билан боғлиқлиги қайд этилган. Бироқ ушбу боғлиқликлар ҳали ҳам илмий изланишлар давом этаётган соҳадир.

Хулоса қилиб айтганда, CMV инфекцияси симптомсиз ташувчиликдан тортиб, оғир кўп аъзоли асоратларгача бўлган клиник спектрни қамраб олади. Эрта диагностика, хавф гуруҳларини аниқлаш, лаборатор мониторинг ва узоқ муддатли кузатув инфекция оқибатларини камайтиришда асосий стратегия ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Kenneson A., Cannon M.J. Review and meta-analysis of the epidemiology of congenital cytomegalovirus (CMV) infection. *Rev Med Virol.* 2007;17(4):253–276.
2. Dollard S.C., Grosse S.D., Ross D.S. New estimates of the prevalence of neurological and sensory sequelae and mortality associated with congenital cytomegalovirus infection. *Rev Med Virol.* 2007;17(5):355–363.
3. Rawlinson W.D., Boppana S.B., Fowler K.B. et al. Congenital cytomegalovirus infection in pregnancy and the neonate: consensus recommendations. *Lancet Infect Dis.* 2017;17(6):e177–e188.
4. Griffiths P., Baraniak I., Reeves M. The pathogenesis of human cytomegalovirus. *J Pathol.* 2015;235(2):288–297.
5. Kotton C.N. CMV: prevention, diagnosis and therapy. *Am J Transplant.* 2013;13(Suppl 3):24–40.
6. Manicklal S., Emery V.C., Lazzarotto T., Boppana S.B., Gupta R.K. The “silent” global burden of congenital cytomegalovirus. *Clin Microbiol Rev.* 2013;26(1):86–102.